



Тўпловчи: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Рамазон - мўъминлар учун суюнчиидир

Абу Хурайра разияллоху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Сизларга рамазон ойи - муборакли ой келди. Аллоҳ унинг рўзасини сизларга фарз килди. Бу ойда жаннат дарвозалари очилиб, жаханнам дарвозалари ёпилиб, Шайтонлар занжирбанд килинади. Бу ойда бир кечаки борки, у минг ойдан кўра яхширокдир. Ким у кечанинг хайрларидан маҳрум колса, (кўп нарсадан) маҳрум бўлибди»**» (*Имом Ахмад ва имом Насоий ривоятлари*).

Рўза - Аллоҳ таъоло бевосита кабул киладиган нодир ибодатлардан биридир

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Одам фарзанди килган рўзадан бошқа барча амали ўзи учун. Рўза эса мен учун ва ўзим унга мукофот бераман»**» (*Хадис кудсий. Имом Ахмад, имом Муслим ва имом Насоий ривоятлари*).

Рамазон рўзаси - гунохларга каффоротдир

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Беш вакт намоз, жума (намози келгуси) жумагача, рамазон (келгуси) рамазонга кадар ўргаларида (садир бўлган) катта гунохлардан бошқа (кичик) гунохлар учун каффоротдир»**» (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Саид разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва



саллам дедилар: «**Рамазон рўзасини тутган ва унинг худудларини билган хамда сакланиш керак бўлган нарсалардан сакланган одам**(нинг бу ибодатлари) **ўтган гунохларига каффорот бўлади**» (*Имом Ахмад ва имом Байхакий ривоятлари*).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Рамазон рўзасини иймон ва савоб умидида тутган одамнинг ўтган гунохлари кечирилади**» (*Имом Ахмад ва «Сунан» муаллифлари ривоят килдилар*).

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу деди: «**Рамазон (кечаларида) иймон билан ва савоб умидида бедор бўлиб намоз ўкиган кишининг ўтган гунохлари кечирилади**» (*Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари*).

Абдурраҳмон ибн Авғ разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Аллоҳ (рамазон) рўзасини фарз килди. Мен эса мусулмонларга** (унинг кечаларининг бир кисмини намоз билан) **бедор** (ўтказишни) **суннат килдим. Ким иймон билан ва савоб умидида** (рамазон) **рўза**(сини) **тутса ва** (кечаларида намоз билан) **бедор бўлса, онасидан тугилган кундагидек гунохлардан тозаланади**»- дедилар» (*Имом Насоий ривояти*).

Рамазондаги рўза сабабли Аллоҳ таъоло рахматлар ёгдиради

Убода разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «... **Аллоҳ рахматни ёгдириб, хатоларни кечиради ва дуоларни ижобат килади...**» (*Имом Табароний ривояти*).



Рўзадор мудом ибодатдадир

Абу Олия рахимахуллоҳ деди: «**Рўзадор, модомики, гийбат килмас экан, хатто ухласа хам, ибодатдадир**» (*Абдурраззок ривояти*).

Рамазондаги ибодатларга бошка ойлардагидан кўра кўпроқ савоб берилади

Иброҳим Нахайи рахимахуллоҳ деди: «**Рамазоннинг бир кунидаги рўза, минг кунлик ибодатдан, унда айтилган бир тасбих, бошка ойларда айтилган минг тасбихдан, унда ўкилган бир ракаат намоз бошка ойларда ўкилган минг ракаат намоздан кўра афзалрокдир**».

Ибн Абу Маръям рахимахуллоҳ ўзининг устозларидан куйидаги сўзларни накл этди: «**Рамазон ойи келса оиласизга харажатни сероб килинглар!** Чунки бу харажат Аллоҳ йўлида килинган харажат каби мўл савоблидир. Бу ойдаги бир тасбих, бошка ойлардаги минг тасбихдан афзалрокдир».

Рамазондаги садака - энг афзал садакадир

Анас разияллоҳу анху дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга: «**Садакаларнинг афзали кайси?**»- деб савол берилганида: «**Рамазондаги садака**» - деб жавоб бердилар» (*И мом Термизий ривояти*).

Рўза - гуноҳлар ва жаханнам оловидан химоя киладиган калкондир

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «... **Рўза калкондир...**» (*И мом Аҳмад, имом Муслим ва имом Насоий ривоятлари*).



Рўза инсонни бардошли килади

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «**Рамазон ойи - сабр ойидир**» (*Имом Термизий ривояти*).

Рўзадор оғзидаги хид (бўй), Аллоҳ учун мушку анбардан кўра хушбўйрокдир

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «... **Мухаммаднинг жони кўлида бўлган зотга касам ичиб айтаманки, рўзадор оғзининг хиди киёмат кунида Аллоҳ хузурида мушку-анбардан кўра хушбўйрок бўлади**» (*Имом Бухорий ва имом Абу Довуд ривоятлари*).

Макхул раҳимаҳуллоҳ деди; «**Жаннат ахли бир хидни хис этадилар-да: «Роббимиз жаннатга кирганимиздан буён бу хидни хис этамиз ва ундан ширинроргини қўрмадик**» дейдилар. Уларга: «У - **рўзадорлар оғзининг бўйидир**», дейилади».

Хорис Ашъарий разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «**Закариё алайхиссалом Бани Исроилга деди: «Мен сизларни рўза тутишга буюраман. Бунинг мисоли бир гурух ичидаги, ёнидаги халтачасида мушк бўлган кишининг мисолига ўхшайди. Хаммани унинг бўйи (хиди) хайратга солади. Рўзадорнинг хиди Аллохнинг хузурида мушкдан хам хушбўйрокдир»**» (*Имом Термизий ва бошқалар ривояти*).

Рўзадор Аллохнинг мухаббати ва яхшиликка эга бўлади

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «**Аллоҳ таъоло: «Бандаларимнинг менга севимлироги ифторни энг аввалги вактида килганлари**дир»-



деди»» (Имом Термизий ривояти).

Абу Зар разияллоху анху деди: «**Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Умматим модомики ифторни энг аввалги вактида килса ва сахарни охирги вактига кечиктирсалар, яхшилик узра бўладилар»- дедилар» (Имом Ахмад ривояти).**

Рўзадорнинг икки кувончи бор

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «... **Рўзадорнинг икки кувончи бор: бириси ифтори олдида, иккинчиси Роббисига йўлиkkанида...**» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари).

Рўзадорнинг дуоси ижобатdir

Абу Хурайра разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «**Учта дуо рад килинмас: рўзадорнинг оғзини очишидан аввалги дуоси...**» - дедилар» (Имом Ахмад ва имом Термизий ривоятлари).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анху деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «**Хар бир рўзадор банданинг ифтори олдида ижобат килинадиган дуоси бордир. (У) ё шу дунёда берилади, ёки охиратга саклаб кўйилади»- дедилар» (Имом Ахмад ва имом Термизий ривоятлари).**

Рамазондаги умранинг савоби хажга баробарdir

Анас разияллоху анху дедилар: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «**Рамазондаги умра хажга баробарdir**» ёки «**мен билан**



бирга хаж килишга баробардир»- дедилар» (Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари).

Кадр кечаси - кўп яхшиликлар олинадиган кечадир

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Хузурингизга муборакли ой кириб келди унинг рўзаси сизларга фарз килинди. У (ой) да жаннат дарвозалари очилиб, жаханнам дарвозалари ёпилади, Шайтонлар кишланнади. Унда бир кеча борки, у минг ойдан кўра яхширокдир. Ким у (кеча) нинг яхшиликларидан маҳрум бўлса, (кўп нарсадан) маҳрум бўлибди» (Имом Аҳмад, имом Нисоий ва имом Байҳакий ривоят килдилар).

Рўза - киёмат куни рўзадор учун шафоатгўйдир

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рўза ва Куръон киёмат кунида банда учун шафоат сўрайдилар. Рўза: «Роббим, мен уни таом ва майлликларидан тўсдим, менинг у хакидаги шафоатимни кабул кил!» - дейди. Куръон: «Мен уни тунлари уйкудан тўсдим, менинг у хакидаги шафоатимни кабул кил!»- дейди. Шундан сўнг уларнинг шафоатлари кабул килинади» (Имом Аҳмад ривояти).

Рўзадорнинг гуноҳлари рамазон ойининг охирги кечасида кечирилади

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рамазон ойида умматимга бошка умматларга берилмаган беш хислат берилди: Рўзадор оғзининг хиди Аллоҳ хузурида мушкдан хам хушбўйрокдир; Фаришталар рўзадор



учун ифтор пайтига кадар Аллохдан магфират сўрайдилар; Аллох таъоло жаннатини безайди ва унга: «Солих бандаларимнинг устларидағи кийинчилик ва азиятларни ташлаб, сенинг хузурингга келишларига оз колди»- дейди; Бу ойда жинлар занжирбанд килинади-да, бошка ойларда килган ишлари (васвасалари) ни кила олмайдилар; У (рамазон)нинг охирги кечасида рўзадорларнинг гунохлари кечирилади». Сахобалар: «Ё расулуллоҳ, у кеча кадр кечасими?» - деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Йўқ, лекин мардикор ишини адo этганидан сўнг савоби тўла килиб берилади» - дедилар» (*И мом Ахмад ривояти*).

Рўза - банданинг жаннатга киришига сабабдир

Бир киши расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг хузурига келиб: «Мени жаннатга олиб кирадиган амалга буюринг»- деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «**Рўза тут, чунки унинг тенги йўқдир**»- дедилар. У одам иккинчи марта расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг хузурларига бориб, аввалги саволларини кайтарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам унга яна: «**Рўза тут!**»- деб жавоб бердилар (*И мом Ахмад, имом Насоий ва имом Хоким ривоятлари*).

Рўза - банданинг жаханнамдан узок бўлишига сабабдир

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «**Аллоҳ жаханнамни Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутган банданинг юзидан етмиш йил (лик масофага) узок килади**» (*И мом Абу Довуддан бошка барча ишончли мухаддислар ривоят килдилар*).



Рўзадорлар жаннатга Райён давозасидан кирадилар

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «**Жаннатнинг Райён номли дарвозаси бор. Киёмат куни: «Рўзадорлар каерда?» дейилади ва улар киргандаридан сўнг бу дарвоза ёпилади**» (*Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари*).

Рўзадор сиддиклар ва шахидлар билан биргадир

Амр ибн Мурра разияллоҳу анху деди: «Бир одам расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурига келиб: «**Менга айтсангиз, мен Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Сизнинг Аллоҳнинг элчиси эканингизга гувоҳлик берсам, беш вакт намозни ўқисам, рамазон рўзасини тутиб, кечалари ибодат билан бедор бўлсам, мен кимлар билан биргаман?**»- деб савол берди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «**Сиддиклар ва шахидлардан бирисан**»- деб жавоб бердилар» (*Ибн Хузайма ва ибн Хиббон ривоятлари*).

Рўзадорлар учун Аршнинг остида дастурхон ёзилади

Анас разияллоҳу анху деди: «**Рўзадорларнинг оғзидан мушк уфуради ва улар учун Аршнинг остига дастурхон ёзилади. Рўзадорлар, одамлар (киёматгоҳда) хисоб берар эканлар, зиёфатда бўладилар**»;

«**Аллоҳнинг кўз кўрмаган, кулок эшиитмаган ва инсоннинг хаёлига келмаган дастурхони бор. Унинг атрофига рўзадорларгина ўтирадилар**» (*Ибн Абид-Дунё ривояти*).

Баъзи салаф уламоларидан куйидаги сўзлар накл килинган: «**Бизга**



етиб келган хабарларга кўра, (киёмат куни) рўзадорлар учун дастурхон ёзилади ва улар, одамлар хисоб берар эканлар, зиёфатда бўладилар. Одамлар: «Роббимиз, биз хисоб бермокдамиз, нега улар еб-ичаяптилар?» - деб сўрайдилар. Уларга: «Улар рўза тутганида сизлар рўза тутмаган эдингизлар», деб жавоб берилади» (Ибн Ражаб, «Вазоифу рамазон»).

Рўзадорлар жаннат мевалари ва шаробларини ичадилар

Алий разияллоху анху дедилар: «**Аллоҳ еб-и чишларига рўза монеълик килган одамларга жаннат меваларидан едириб, шаробларидан ичиради**» (Имом Байхакий ривояти).

Яъкуб ибн Юсуф деди: «**Бизга этиб келган хабарларга кўра Аллоҳ таъоло киёмат куни ўзининг дўстларига караб: «Хой дўстларим, мен сизларга дунё хаётида эканингизда бокар эдим. Сизларнинг лабларингиз чанкокдан какраган, кўзларингиз чукурлашган ва коринларингиз кичрайган эди. Бугун сизлар неъматларингиз ичрасиз! Бас ўртангизда косаларни айлантиринг ва ўтмишда колдирганингиз нарсаларни кувонч билан еб-ичингиз!»- дейди» (Ибн Ражаб, «Вазоифу рамазон»).**

Рўзадор хурга уйланади

Хасан деди: «**Аллохнинг дўсти** (жаннатда) Асал дарёси лабида хур билан бирга ёнбошлаб, хур унга косани узатар экан шундай дейди: «**Аллоҳ сизга узун ва ўта иссик ёз кунида каради. Сиз ўта чанкаган эдингиз. Аллоҳ сизни фаришталарга мактади ва: «Бандамга каранглар, у хотини, шахвати, таоми ва шаробини**



мен учун ва менинг хузуримдаги нарсаларга рагбат килиб тарк этди. Мен уни кечирганимга сизларни гувоҳ киламан»- деди-да, сизни кечирди ва менга уйлаб кўйди» (Ибн Ражаб, «Вазоифу рамазон»).

Рўзадорга жаннатда гаройиб уй берилади

Алий разияллоху анху деди; «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Жаннатда ташкари тарафидан ичи, ич тарафидан ташкариси кўринадиган хоналар бор»** - дедилар. Сахобалар: «**У хоналар кимлар учун?**» - деб сўрадилар. Расулуллох солаллоху алайхи ва саллам: **«Сўзини ширин килган, таом едирган, давомий рўза тутган ва тунлари одамлар уйкуда бўлганларида, намоз ўкиган кимсалар учун»**- дедилар».

Аллох таоло пайгамбаримиз, унинг оиласи, сахобалари ва унга киёмат кунига кадар яхшилик билан эргашган кишиларга салавот ва саломлар йўлласин.

Валлоху аълам.